



«ДАВОЛАНИШГА ПУЛИНГИЗ
БЎЛМАСА, САЛОМАТ
БЎЛИНГ!»

2



НУРОБОДНИНГ
КЎЧҚУДРАТИ ОШИМОҚДА

4



СОБИҚ ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ
ОРАДАН 9 ЙИЛ ҲАМДА
ДЕБ ТОПИЛДИ

5



№ 46
2020-yil, 23-dekabr
Chorshanba (32.641)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ФАОЛ Қўллаб-қувватланмоқда



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлисида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, минтақада янги мулоқот муҳитини юзага келтириш бўйича стратегик тақдирлар, ташаббуслар билдирилди.

Алоҳида таъкидлаш кераки, ушбу олий доирадаги анжуманга Ўзбекистон биринчи марта раҳбарлик қилди. Мажлисида МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди, шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида қўл киррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор тақдирларни, ташаббусларни илгари сурди. Бу ташаббусларни МДХ давлатлари раҳбарлари юқори баҳолади, уларнинг ижтимоий аҳамиятини қўловчи фикрлар билдирилди.

Хусусан, бугунги шароитда мамлакатларимиз иқтисодий, савдо ва кооперация алоқаларини жадал суръатларда қайта тиклаш устувор вазифа экани таъкидланди. Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистоннинг МДХга аъзо бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаши барқарор ўсиб бораётгани кузатилаётган. Айрим шериклар билан савдо жорий йилда 20 фоиздан зиёдга кўпайди. Бу катта ютуқ ҳисобланади, шунинг билан бирга, улкан имкониятлар борлигини аниқлади, албатта.

Саммит иштирокчилари самарали фаолияти учун пухта тайёрланган таклиф, ташаббуслар учун, ҳамкорликни кучайтиришда долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, лойиҳалар учун Ўзбекистон томонига чуқур миннатдорлик билдирилди. Ўзбекистон Президенти МДХ доирасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларни янги даражага олиб чиқиш, мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, меҳнат ҳуқуқлари имкониятлари ва кафолатлари юзасидан муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Ҳозирги инқироз шароитида, дунёда мураккаб иқтисодий ҳолат бўлиб турган бир пайтда МДХ давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳар томонлама аҳамиятлидир. Чунки ушбу давлатларнинг иқтисодий ёки бир-бири билан боғланган, одамларда бир-бирини тушуниш имконияти юқори, узоқ йиллар давомида шаклланган алоқалар бор. Мустаҳкам алоқалар ва ишончли муносабатлар ҳудудларда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, манфаатли битимлар имзоланиши учун катта имконият беради. Шунинг учун давлатимиз раҳбари санават кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, санават кооперацияси бўйича дастур ишлаб чиқилаётган бўлса, барча ҳудудларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти ортади. Шу мақсадда агроносано, машинасозлик, электротехника, енгил ва озиқ-овқат санавати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил этиш ташаббуслари илгари сурди. Бу лойиҳа маҳсулотлар рақобатбардорлигини оширишда, барқарор иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир асосий масала. Сир эмаски, дунёнинг ривожланиши жараёнида меҳнат миграцияси бўлиши табиийдир. Бу жараёнга етарли шароит яратиш энг устувор масала бўлиб турибди. МДХ мамлакатларининг Ҳамдўстлик давлатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбари меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишнинг ягона механизминини яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш вақти келганини қайд этди.

Очигини айтиш керак, ҳозир мигрантларни ҳужжатлар, уларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар қийнаётди. Агар ўзаро ҳужжатларни тан олишнинг ягона механизминини яратилса, мамлакатимиз ташкилот томонидан берилган ҳужжат бошқа давлат ташкилот томонидан ҳам тан олинади. Яъни, меҳнат мигрантлари меҳнат ҳуқуқини амалга ошириш учун эмин-эркин ҳаракатланиб, бемалол ва беҳавотир ишлаш имкониятига эга бўлади.

Парламент депутатлари жойларда сайлов округларида кўплаб учрашувлар ўтказмоқда. Аҳоли билан мулоқотлар давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тушуниришлар олиб бориляпти. Айтиш кераки, ислохотларга нисбатан одамларнинг кайфияти ижобий, улар Ўзбекистондаги кенг қамровли янгилаш ва ўзгаришларни юқори баҳоламоқда, аҳамияти тўғрисида ўз фикрини билдириляпти.

Саммитда илгари сурилган гоялар, ташаббуслар халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Айниқса, фарзандлари, яқинлари чет элда ишлаб юрган оилалар, ота-оналар миграция бўйича мураккаб ҳужжатлаштириш тизимининг соддалаштирилиши билан боғлиқ тақдирларни хурсандчилик билан қабул қилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг МДХ саммитидаги нутқи иқтисодий шериклар билан алоқаларни мустаҳкам йўлга қўйиш, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатини ифода этган яна бир муҳим ташаббус бўлди.



«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО»НИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРИ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ИШЛАРИ

аҳолини узлуксиз электр энергия билан таъминлашга хизмат қилади

2021 йилда 16 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, умумий қуввати 993,0 МВт, 2022 йилда 15 та лойиҳа бўлиб, умумий қуввати 931,2 МВт, 2023 йилда

18 та лойиҳа, умумий қуввати 1002,2 МВтдан иборат янги қувватларнинг ишга туширилиши режалаштирилган.

Давоми 3-бетда. ▶

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА КОРПОРАТИВ БАЙРАМЛАР ҲАМДА ТАҚИҚЛАНАДИ

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИГА ҚУРА:

- Вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларига турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланди
- Бундан тежаб қилинган маблағларни таълим, соғлиқни сақлаш, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилди
- Юқоридаги чеклов ресторан, кафе ва бошқа умумий овуқатланиш объектларида 30 кундан ошмаган ҳамда санитария-гигиена ва карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда байрам тадбирларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди
- Фуқароларга янги 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш тавсия этилди
- Янги йил байрами муносабати билан болалар учун мўлжалланган «Президент арчаси» байрам тадбирлари фақатгина меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун ўтказилиши белгиланди
- Вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда ҳужжатли бирлашмалари янги 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш учун ходимларга зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради
- Жамоат жойларида ниқобдан фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари кучайтирилади.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Жиноят процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳалари қизгин муҳокама этилиб, қабул қилинган эди. Қўшма Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи япчи мажлисида бу қонунлар кўриб чиқилиб тасдиқланди. Уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида фракциямиз аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.



Ойбарчин
АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси

Амалдаги қонунчиликда тўхмат ва ҳақорат ҳаракатини осдириб этган шахс тўғрисидаги жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган эди. Энди эса шахс шундай ҳаракатлари учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин бир йил давомида бу ҳуқуқбузарликни такроран содир этсагина, жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ёлгон ахборот тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Порнографик маҳсулотларни тарқатиш ва шафқатсизликни тарғиб қилганлик учун ҳам жазима миқдорлари ошириляпти.

Албатта, мамлакатимизда очикликни таъминлаш, сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш кафолатларини кучайтириш бўйича илчил ислохотлар кетаётган бир пайтда ушбу қонунлар қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.



Фирдавс
ШАРИПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси

Кейинги йилларда матбуот ва сўз эркинлиги бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклик даражаси тобора ошмоқда. Жамиятда фикр айтиш эркинлигини таъминлайдиган очик мулоқот майдони яратилди. Шу билан бирга, шахсининг кадр-қимматини камситуви, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ҳамда жамоат тартиби ёки ҳавфсизлигига таҳдид соладиган ахборотларни тарқатиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бундай шароитда фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни яратиш муҳим ҳисобланади.

Шу ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани фуқароларни ёлгон ахборот, ҳақоратли сўزلардан ҳимоя этади ва ёшларнинг тарбиясига бўладиган хуружларнинг олдини олади.



Мавжуда
ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси

Ёлгон ахборот тарқатганлик, бировнинг шаънига тегадиган, ҳақоратли сўзларни айтишга нисбатан қонунларга киритилаётган ўзгартишларни замон талаби, деб ҳисоблайман.

Масалан, нафақат порнографик ҳамда зуравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Интернет тармоқларига жойлаштириш учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда. Хусусан, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жазима белгиланмоқда.

Маъмуриятнинг қўлини қўриқиб қўйишнинг фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади, инсонларнинг ҳуқуқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатувчи материаллар айланмасига тўсиқ бўлади, деб ўйлайман.



ЭЛ-ЮРТ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛИШИГА

Ўз ҳиссасини қўшганлар муносиб тақдирланди

Қуйи Чирчиқ туманидаги Бөрүний маданият саройида "Tashkent Cotton Textile cluster" ("TCT Cluster") кластери томонидан жорий йил қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилини етиштириш яқунларига бағишланган ҳосил байрами ташкил этилди. Тадбирда туман ҳокимлиги ва "TCT Cluster" кластери раҳбарияти ҳамда "TCT Cluster" таркибидagi "TCT Agro cluster" пахта-тўқимачилик, "TCT Rice" шўличилик, "TCT Fish" балиқчилик каби кластерларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар иштирок этишди.

Давоми 3-бетда. ▶

Бомуротов Бобир Бомурот ўглининг ишга тиклаш учун судга мурожаат қила олмаслигига ўша вақтда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 18-моддаси тўсқинлик қилган.

СОБИҚ ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ ОРАДАН 9 ЙИЛ ЎТИБ АЙБСИЗ, ДЕБ ТОПИЛДИ

лекин ишга қайта тикланмади...

Бомуротов Бобир Бомурот ўгли 1976 йил 4 октябрда Қашқадарё вилояти Косон тумани Нартибаланд қишлоғида туғилган. Тумандаги умумий ўрта таълим мактабини битириб, 1995-2000 йилларда Қозоғистон Республикасининг Экологик-гуманитар академияси ҳуқуқшунослик факультетида сирдан ўқиб, олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломини олган. ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, 2002 йилдан Қашқадарё вилоят ИИБ Косон туман Қўриқлаш бўлимига ишга қабул қилинган. 2008 йилда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Ички ишлар вазирлиги академияси сиртки бўлимини тамомлаган.

Бомуротов Бобир Бомурот ўглининг газетамиз Бош муҳарририга йўллаган мурожаатидан иқтибос: "Мен Ўзбекистон Президентига, Ватанимга, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, осойишталиги учун хизмат қилишга доимо тайёрман. Ички ишлар ходими бўламан, жиноятчиликнинг олдини опаман, деб болалигимдан орзу қилиб, милиционер бўлиш учун тинмай ўқидим ва ИИБ Академиясига ўқишга кирдим. Қашқадарё вилоят ИИБнинг махсус инспекцияси ходимлари мени ички ишлар органларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Уларнинг менга нисбатан қилинган тўхматни қўллаб-қувватлаш, нотўғри хулоса чиқариши оқибатида севган касбимдан асоссиз айрилдим..."

Эндигина 33 ёшни қоралаган, ўзига қўйилган вазифани ҳалол бажариб, ишлаган жойида аҳоли хурмат-эътиборига сазовор бўлган, юрри раҳбарият назарига тушган, хизмат пиллаволаридадан муваффақиятли кўтарилиб келаётган Бомуротов Бобир Бомурот ўгли 2009 йил 29 апрелда Қашқадарё вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлигининг буйруғига асосан "Ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низомнинг 69-моддасига асосан, яъни ички ишлар идоралари ходими номига номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун" ишдан бўшатилади.

Хўш, Бомуротов Бобир Бомурот ўгли қандай номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этган? У 2003 йил ноябрь ойдан 2005 йил апрель ойигача Косон туман ИИБ Пўлати кўргони бўлимида навбатчи ёрдамчиси вазифасида ишлаган. 2005-2008 йилларда кинолог, туман ИИБ статистика бўлимида кичик инспектор бўлган. Туманинг Чироқчи кўргонида ҚООБ профилактика инспектори вазифасида ишлаётган кезларида, 2009 йилнинг апрель ойи бошларида тўсатдан хизмат вазифасидан озод қилинган...

Бомуротов Бобир Бомурот ўгли 2009 йилнинг январь ойида Косон тумани Чироқчи кўргонида профилактика инспектори вазифасида ишлаб юрган кезларида Сурхон қишлоғида яшовчи, "Хумоюн Қосим ўгли" номли фермер хўжалиги раиси Бобораҳим Худоев ва унинг турмуш ўртоғи Эргаш Ражабов билан низоли ер майдони устида ўзаро жанжаллашиб қолади. Улар бир-бирини куракда турмайидан сузлар билан ҳақорат қилишади. Профилактика инспектори жанжаллашларни муросамдорорага чакиради. "Бир жойнинг одамларисизлар, аризмаган ишга талашиб, ўз обрўларингизни тўкманлар", дейди. Воқеани хужжатлаштирмасдан, уларни яраштирмақчи бўлади. Лекин натижа бўлмади. Шундан кейин Бомуротов Бобир Бомурот ўгли ноилжоз ишни хужжатлаштиришга мажбур бўлади. Томонлар бир-бирини ҳақорат қилганлиги учун у Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 41-моддаси билан уларга нисбатан маъмурий баённома тузади. Иккала томонга ҳам ён босмасдан, иш материалларини Жиноят ишлари бўйича Косон туман судига ўтказди. Суд 2009 йил 12 февралда мазкур маъмурий ишни кўриб чиқиб, иккала томонни ҳам Ўз.Р.МЖТКнинг 41-моддаси билан ҳуқуқбузар деб топади ва 33-моддани қўллаган ҳолда Момоҳол Жумаева, унинг турмуш ўртоғи Эргаш Ражабов ҳамда Бобораҳим Худоевга энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорига, яъни, 28 040 сўмдан жазима жазосини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Хўш, нима бўпти, икки томонга ҳам бирдай енгил жазо чораси қўланилибди-ку, дерсиз. Тўғри, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлган. Лекин Момоҳол Жумаеванинг ўгли Эркин Ражабов профилактика инспектори унинг онасининг тарафини олмагани

учун ИИБ тизимига ишлаётган "яқин танишлари" орқали Бобирдан ўч олиш пайига тушади.

2009 йил 3 апрелдан 4 апрелга ўтар кечаси Эркин Ражабов "Хумоюн Қосим ўгли" номли фермер хўжалиги раиси Бобораҳим Худоев "Жумаева Момоҳол" номли фермер хўжалиги ҳудудидаги ариқлардан бирига кўмилган металл қувурни қазиб олиб, трактори билан тортиб кетаётганини кўради. 2009 йил 8 апрель кўни шу ҳудудда профилактика инспектори бўлиб ишлаётган Бомуротов Бобир Бомурот ўгли Эркин Ражабов томонидан ёзилган шикоятни кўрсатилади.

Унда кўрсатилишича, Эркин Ражабов профилактика инспекторига "Жумаева Момоҳол" номли фермер хўжалиги еридан темир қувурлар ўғирлангани ҳақида хабар қилган. Бомуротов Бобир Бомурот ўгли шу ҳолат бўйича Бобораҳим Худоевнинг устидан жиноий иш очиш ва уни қаматиш учун гўё Эркин Ражабовдан 300 минг сўм миқдорда пул талаб қилган. Эркин Ражабов 2009 йил 8 апрелда талаб қилинган пулнинг 150 минг сўмини Бомуротов Бобир Бомурот ўглининг ВА3 2106 русумли автомашинасида, профилактика инспектори Шерали Мухаммадиев иштирокида унга берган...

Аслида ҳудуддаги "Бўстон" СФУ раиси Суюн Рўзиев томонидан "Бўстон" СФУга тегишли металл қувур номаълум шахслар томонидан 2009 йил 3 апрелдан 4 апрелга ўтар кечаси ўғирлаб кетилганлиги ва қонуний чора кўриш ҳақида Косон туман ИИБ бошлиғи номига ёзган билдириш хати 2009 йил 7 апрель кўни профилактика инспектори Бомуротов Бобир Бомурот ўглининг ўша ўғлига тақдим этилган. У билдириш хатини ўша кўни хизмат тартиби бўйича Косон туман ИИБни навбатчилик қисмидан рўйхатдан ўтказиб, тергов бўлимига топширган.

Фўқаро Эркин Ражабов шикоятига асосан ўтказилган хизмат текшируви бўйича Қашқадарё вилоят ИИБ шахсий тарихи бўлими махсус инспекцияси томонидан 2009 йил 17 апрель кўни хулоса тайёрланади. Унга кўра, Бомуротов Бобир Бомурот ўглини ички ишлар сафидан бўшатиш ва хизмат текшируви материалларида кўрсатилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш учун Косон туман

прокуратурасига мазкур хулосанинг нусхасини юбориш белгиланган. Ана шу хулосага асосан Бомуротов Бобир Бомурот ўгли 2009 йил 29 апрелда ички ишлар органлари сафидан бўшатилади.

Бомуротов Бобир Бомурот ўглининг тахририятимиз Бош муҳаррири номига йўллаган мурожаатидан иқтибос:

"Мен инспекция ходимларига: "Бундай хулоса чиқаришга асос қани, далил қани деб сўраганимда, улар: "Эркин Ражабовнинг аризасини МХХ Косон туман бўлими ва МХХ Қашқадарё вилоят бошқармаси раҳбарияти ўз назоратига олган, агар шундай хулоса қилмасак, бизга гап келади", деб жавоб беришди"...

Лекин... 1. Қашқадарё вилоят ИИБ ШТБ махсус инспекциясининг 2009 йил 17 апрелдаги хулосаси ҳуқуқий баҳо бериш учун Косон туман прокуратурасига юборилмаган. Бу ҳақда Косон туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси А.Ҳамроев томонидан 2018 йил 19 июнь кўни юборилган 24/2018-рақамли жавоб хатида Бомуротов Бобир Бомурот ўғлига маълум қилинган.

2. Гарчи профилактика инспектори Шерали Мухаммадиев Қашқадарё вилоят ИИБ ШТБ махсус инспекциясига Бомуротов Бобир Бомурот ўгли унинг иштирокида Эркин Ражабовдан ҳеч қандай пул сўрамагани ва олмагани ҳақида кўрсатма берган бўлса-да, унинг гаплари инобатга олинмади.

3. Бундай ноҳақликдан ҳафсаласи пир бўлган Бомуротов Бобир Бомурот ўгли Қашқадарё вилоят ИИБ бошлиғи, полковник В.Ходжаева, вилоят прокурори К.Исмоилова, МХХ вилоят бошлиғига, ўша пайтдаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Б.Матлюбова, Омбудсман ва ҳоказо ва ҳоказоларга адолат истаб ариза билан мурожаат қилади. Унга нисбатан тўхмат қилинаётганини билдиради. Масъул мансабдор шахслар томонидан эса, ИИБ ШТБ махсус инспекцияси томонидан тўғри хулоса қилинган, сизни тўғри ишдан бўшатишган, қабилида бир хилдаги жавоблар олади.

Бомуротов Бобир Бомурот ўглининг газетамиз Бош муҳаррири номига йўллаган мурожаатидан иқтибос:

"Мен ариза ва шикоятларимга мунтазам равишда салбий жавоб олиб келдим. Махсус инспекция томонидан нотўғри хулоса чиқарилгани, ноҳақ ишдан бўшатишим хусусида улардан бирортаси ҳам ҳолис хулоса бермади. Мен эса ўз номимни оқлаш ва ишга қайта тикланиш умидидан қайтмадим.

2018 йил 25 июнда шу хусусда яна Косон туман прокуратурасига мурожаат қилдим. 2018 йил 7 июлда ушбу мурожаатимга Косон туман прокурори Ў.Акрамов томонидан расмий жавоб хати олдим. Унда шундай дейилади: "Аниқланишича, вилоят ИИБ томонидан 17.04.2009 йилда Сизга нисбатан хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, хизмат текшируви ўтказилишига фўқаро Э.Ражабовнинг мурожаати асос бўлган.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган терговга қадар текширув жараёнида фўқаро Э.Ражабов ўз мурожаатида кўрсатиб ўтган 2009 йил 3 апрелдан 4 апрель кўнига ўтар кечаси "Жумаева Момоҳол" номли фермер хўжалиги ҳудудида ўтган темир қувурлари ўғирлиги жинояти содир этганини ҳақидаги важи туман ИИБ ТБ томонидан терговга қадар текширув жараёнида ўз тасдиғини топмаганлиги аниқланди(!!).

Бундан ташқари, фўқаро Э.Ражабов ушбу ўғирлик жинояти бўйича тўпланган ҳужжатларни 300 000 сўм пул эвазига туман ИИБ ТБ терговчисига ўтказиб бераман, деган кўрсатмалари, вилоят ИИБ томонидан ўтказилган хизмат текшируви, шу билан бирга, туман прокуратураси томонидан ўтказилган терговга қадар текширув жараёнида ҳам ўз тасдиғини топмаганлиги, Сизнинг ҳаракатларингизда бирор бир жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли 2018 йил 7 июль кўни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят ишени кўзатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди".

Бомуротов Бобир Бомурот ўгли деярли ўн йил мобайнида идорамайдора, ташкилотма-ташкилот югуриб, адолат излади, лекин ҳақиқат қарор топмади. Охир-оқибат Косон туман прокуратураси томонидан 2018 йил 7 июлда мазкур иш бўйича фўқаро Э.Ражабовнинг шикоятини келтирилган кўрсатмалар, ушбу

ўғрилиги жинояти юзасидан вилоят ИИБ махсус инспекцияси ўтказган хизмат текширувида ҳам, шу билан бирга, туман прокуратураси томонидан ўтказилган терговга қадар текширув жараёнида ҳам ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли жиноят ишени кўзатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни, Бомуротов Бобир Бомурот ўгли айбсиз, лекин ишга тикланмади. Бунга нима сабаб?

Бомуротов Бобир Бомурот ўғлининг ишга тиклаш учун судга мурожаат қила олмаслигига ўша вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 18-моддаси тўсқинлик қилиб келтиришга асос бўлган. "Айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин, булар:

ҳодим билан корхона ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти; ҳодим меҳнатининг шарт-шароитлари ва хусусияти; табиий иқлим шароитлари; ҳодим меҳнат қилаётган жойнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби;

бошқа объектив омиллар билан белгиланади", деб ёзиб қўйилган.

Ушбу моддада давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонун билан белгиланиши кўрсатилган бўлиб, милиция ходими ёки ҳозирги вақтда ички ишлар органи ходими ўзини ишга тиклаш бўйича фўқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишга ҳаққи йўқ. Ноҳақ ишдан бўшатишга ички ишлар органи ходими билан бирга, туман прокуратураси томонидан тақдим этиладиган даъво ариза ана шу моддага асосан ариза-қадар суд ажрини билан қўрилмасдан қайтарилади. Ана шу ҳолат ҳозир ҳам Ички ишлар тизимига сақланиб қолган.

Замон ўзгарди, дунёқарашлар ўзгарди. Амалдаги қонунлар, қондалар, низомлар ҳам шунга қараб ўзгариши, ҳолис ва шаффоф бўлиши, ҳар бир инсон манфаатини қўллаб-қувватлашга қаратилиши керак. Бомуротов Бобир Бомурот ўғлига нисбатан бўлган бу адолатсизлик Ички ишлар вазирлиги томонидан урганилиб, қонуний қарорга келинади, деб ўйлаймиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёнғил маҳсулотлари орасида бошқаларига нисбатан энг хавфлиси табиий газдир. Табиий газнинг тулиқ ёнмаслиги, газ оқимининг бехосдан ва ҳар хил омилларга (қувурларнинг тешилиши, авариялар) кўра узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газ плитасини ёқиб қўйиб, соатлаб хабар олмаслик, иситиш печларига газни улашда хавфсизлик чораларини кўрмаслик ҳамда бепарволик портлаш, ёнғин чиқиши, шунингдек, ис газларидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳолатларни келтириб чиқараяпти.

Бундан ташқари, аҳоли томонидан қўлбала, стандарт талабларига жавоб бермайдиган асбоб-жиҳозлардан фойдаланиши, газ тармоқларига резина шланг орқали улашиш, дудбуронни тозаласлик ва уй ичини иситиш мақсадида очик оловдан фойдаланиш оқибатида фўқароларнинг ис газидан заҳарланиши ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чакнаши туфайли ёнғин содир бўлиб, одамлар ҳалок бўлиши ҳолатлари кузатишмоқда.

Ис газ энергияни кўп ишлатишдан пайдо бўладиган ва атроф-муҳитга тез тарқаладиган заҳарловчи газдир. У асосан кўмир, табиий газ ва бошқа турдаги ёқилғиларнинг тулиқ ёнмаслигидан юзага келади. Нафас олаётган ҳавомиз таркибига 0,01 фоиз ис газининг бўлиши кишини улимга етаклаши ҳеч гап эмас. Суултирилган газдан нотўғри фойдаланишда ҳам атрофдаги одамлар ва жониворлар заҳарланиши мумкин. Чунки суултирилган газ таркиби пропан — портловчи ва тез ёнғич газдан иборат. Бас, шундай экан, газдан фойдаланиш, печ ва каминларни ишлатишда бепарво бўлма! Озгина эҳтиётсизлик оқибатида соглигингиз, мол-мулкнингиз хавф остида қолишини асло унутманг!

Жавоҳир РАҲИМОВ, Миробод тумани ФББ ФДТ ва ФМ бўлинимаси бошлиғи, лейтенант.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани 328-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2019 йилда Саидов Фаридудин Бектемир ўғли номига берилган UM №0263685 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Юнусobod тумани ер тузиш ва кўчмас мулк давлат корхонаси томонидан Худайшуккуров Аббос Толиб ўғлига тегишли, кадастр рақами 10:07:01:01:02:5028:0001:026 бўлган, Юнусobod тумани, Марказ-5, 58-уй 26-квартирасининг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҚУТЛОВ

«ХОРАЗМАВТОТЕХХИЗМАТ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқимизни Янги —2021 йил билан қутлайди!

Сизга ва яқинларингизга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик тилайди.

Ватанимиз равнақи, юртимиз ободлиғи йўлидаги барча ишларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!

ҚУТЛОВЛАР

ПРЕСС-ТУР

Қашқадарё вилоятига навбатдаги пресс-тур ташкил этилди

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, банк тизимида очиқлик ва самарали ахборот сиёсатини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, банк кредитлари молиявий кўмағида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларни ва филиаллар фаолиятини ёритиш мақсадида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Қашқадарё вилоятига навбатдаги пресс-тур ташкил этилди.

Тадбир доирасида журналистлар "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали, Кўқдала ва Яқкабоғ филиалларида бўлиб, тақлиф этилаётган янги хизмат турлари ва қулайликлар, вилоятда банк молиявий кўмағида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар билан танишдилар. Улар дастлаб Яқкабоғ туманида фаолият юритаётган "Делта ФБС технологик групп" МЧЖда бўлдилар. Корхонада ПВХдан дераза тоқчалари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 2,3 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 200 минг АҚШ доллари "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан йўналтирилган. Лойиҳа доирасида 15 та доимий иш ўрни яратилган.

"Қишлоқ қурилиш банк" Яқкабоғ филиалининг яна бир мижози – Жамбул МФЙ худудида жойлашган "Чиройли мебель" МЧЖда мебель ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилган ва банк кўмағида замонавий мебеллар тайёрлаш йўлга қўйилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,5 миллиард сўм бўлиб, шундан 700 миллион сўми банк кредити ҳисобига молиялаштирилган. Бу ерда йилига 6000 м² тайёр мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Банк томонидан бундай ташаббуслар мунтазам қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Шундан сўнг ОАВ вакиллари Қарши шаҳрида банк кўмағида амалга ошириладиган бир қатор лойиҳалар билан танишдилар. Улар Карликхона МФЙда жойлашган "Биолабдермаплюс" хусусий тиббиёт клиникаси фаолияти билан танишдилар. Бу лойиҳа қиймати 200 миллион сўм бўлиб, йилига аҳолига 730 миллион сўмлик тиббий хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган.

Пресс-тур дастурига кўра, асосий тадбир АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали янги биносининг очиқлиш маросими бўлди.

Янги бинода яратилган қулайликлар ҳисобига эндиликда банк мижозлари бухгалтерия ҳисоб-китоблари, валюта айрибошлаш, пул ўтказмалари ҳамда турли тўловлар билан боғлиқ зарур хизматлардан шу ернинг ўзиде фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Электрон навбат тизимининг мавжудлиги эса банк ходимлари ва мижозлар учун қўшимча қулайлик яратади. Филиалнинг замонавий банк технологиялари билан жиҳозлангани эса, сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини оширади.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали мижозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилади. Бу борадаги фаолият натижалари бўйича республиканинг бошқа худудларига ҳам мунтазам равишда пресс-турлар ташкил этиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз



QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни кириб келаётган

ЯНГИ — 2021 ЙИЛ
билан самимий муборакбод этади!

Байрам муносабати билан янги мобиль иловани тақдим этади.

QUANT

Bank yo'lingizda emas, qo'lingizda bo'ladi!

www.qqb.uz *Хизматлар лицензияланган*

Хоразм вилояти

«TILLO DOMOR»

хусусий корхонаси жамоаси

барча Ватандошларимизни Янги йил байрами билан муборакбод этади!

Юртимизга тинчлик, барчага сиҳат-саломатлик, хонадонларимизга файзу барака тилайди ҳамда ўз маҳсулотларини тақлиф этади.

TILLO DOMOR

Маҳсулотлар сертифициланган.



ҚУТЛОВЛАР



«САМАРҚАНДА ДОРИ-ДАРМОН» акциядорлик жамияти жамоаси

Халқимизни, шунингдек, Дори-дармон ва соғлиқни сақлаш соҳасига ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган ходимларни Янги — 2021 йил билан самимий муборакбод этади!
Халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу ишларини эзга муваффақиятлар тилайди!
Янги йил қувончи Сиз, азизларни асло тарк этмасин!
Юртимиз ҳамيشа тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!



NAVRUZ

«NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ХАЛҚИМИЗНИ ЯНГИ — 2021 ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

ОНА ДИЁРИМИЗДА ТИНЧЛИК, ХОНАДОНЛАРДА
ТОТУВЛИК, КҮНГИЛЛАРДА БАЙРАМОНА КҮТАРИНКИЛИК
ҲАМИША БАРДАВОМ БЎЛСИН!

БАЙРАМ ШУКУҲИ, ЯНГИДАН-ЯНГИ ОРЗУЛАР ҲЕЧ
БИРИМИЗНИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!



РЕКЛАМА ВА ҚУТЛОВЛАР

Хоразм вилояти
O'zbekiston Respublikasi qurilish vazirligi huzuridagi
«Хоразм вилояти qurilish sohasida hududiy nazorat inspeksiyasi»
жамоаси

юртдошларимизни Янги—2021 йил билан табриклайди!
Барчангизга соғлиқ-омонлик, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги
фидокорона меҳнатингизга зафарлар тилайди.
Янги йил ҳар бир оилага тинчлик, фаровонлик,
омад ва бахт олиб келсин!

GA «ФАЛЛА-АЛТЕГ»
акциядорлик жамияти жамоаси

ХАЛҚИМИЗНИ ЯНГИ — 2021 ЙИЛ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

ЯНГИ ЙИЛ ҚАЛЪЛАРИМИЗГА ҚУВОНЧ,
ХОНАДОНЛАРИМИЗГА ФАРОВОНЛИК ВА
БАХТУ ИҚБОЛ ОЛИБ КЕЛСИН!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО БЎЛСИН!

Меҳнату юллар сертификатланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ
ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

Товары сертифицированы.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkran.uz, www.krantas.uz

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Mahmud TOIR

Muslihidin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1251. 1662 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:30

Topshirilgan vaqti — 22:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROVGazetaning elektron sahifasiga uqish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5 6